

# Жаҳонлик Сўз



1991 йил 1 январдан  
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

2 апрель, сешанба, 1996 йил  
Сотува эркин нархда. № 64 (1317)

## Дўстлик ва ҳамкорлик йўлида

Президент Ислам Каримов бошчилигидаги мамлакатимиз расмий делегациясининг қарийб етмиш икки миллион аҳолиси бўлган Вьетнам Социалистик Республикасига қилган ташрифи ғоят самарали ўтди, десак муболаға бўлмайди.



Ушбу ташриф давомида имзоланган ҳужжатлар, шубҳасиз, ҳар икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни чуқурлаштиришга туртки беради, унинг ҳуқуқий заминини мустаҳкамлайди.

Энг аввало, Вьетнам биз учун Ҳиндихитой мамлакатларига солган йўлимизга дарвоза эканини унутмаслигимиз керак. Боз устига, бугунги Ўзбекистон келажги Ўзбекистондан нечоғли фарқланади, бугунги Вьетнам ҳам келажисидан худди шундай фарқланади.

Саксонинчи йилларнинг иккинчи ярмидан бошланган мамлакатдаги «иқтисодий янгилик» жараёни унинг ички ва ташқи сибясатида катта ўзгаришлар ясади. Мафкуравий, ҳарбий қатъий талаблар ўрнини кўп қиррали ташқи дунёга очиқлик тамойили эгаллади. Айни жиҳатлар унинг иқтисодини янгилади, халқ ҳўжалигида туб ўзгаришларга олиб келди. Узининг қўшнилари билан иқноклик ўрнади, табиий жўгрофиясиёсий-иқтисодий мақенга қайтди. Халқаро молиявий илоралар билан алоқаларини тиклади ва жаҳоннинг маанам деган қорчалонлари назарига тушди. Бизга маълум бўлишича, Вьетнам ҳўкумати хоржий сармоядорлар билан биргалликда мингдан ортки дойиҳаларни амалга оширишни мўлжаллаган.

Хозирги вақтда ана шу дойиҳаларнинг 7 миллиардлик қисми ҳаракатда. Мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсишини кузатиб бораётган кузатувчилар мажозий маънода Вьетнамни кучли ва меҳнатқаш жонивор — бўйволга менгашмоқда. Мана шу далавнинг ўзбек бизга кўп нарсани аниқлатади.

Вьетнамда ҳам, Ўзбекистонда ҳам бир-бирларининг бозорини тўлдирадиган маҳсулот кўп. Обьектив сабабларга кўра узилиб қолган алоқалар бу бозорларни ўрганиш имконини бермагани рост. Бевосита, яъни бирламчи ахборот алмашувнинг тижоратда тутган ўрни ниҳоятда салмоқлидир. Шундай экан, мамлакатлар экспорт қобилиятини намоён этадиган кўргазма-ярмаркалар ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Бундан



лакат ўртасидаги ўзаро мол айрибошлаш ҳамми бугунги кун талаблари даражасида эмас.

Вьетнамлик тadbirkorлар мамлакатимиз раҳбари билан учрашган чоғи ўзларини қизиқтирган саволларга тулик жавоб олдлар. Чўнончи, улардан бири ҳар икки мамлакат иқтисодиётида қишлоқ ҳўжалиги етакчилик қилишини назарда тутиб, бу соҳада қандай ҳамкорлик қилишимиз мумкин, деб сўради.

қўлдан сотиб оласизлар. Сизларда енгил ва озиқ-овқат саноати яхши ривожланган. Мана шу соҳаларда кўчма корхоналар тузиш мумкин. Бизнинг гўза навларимиз асосида пахта етиштиришни йўлга қўйганларингизни эшитдик. Биз ҳар гектар ердан ўртача 30 центнердан ошириб ҳосил оламиз. Бу соҳада катта тажрибамиз бор. Ушбу соҳа мутахассисларининг тажриба алмашувини йўлга қўйишимиз мумкин. Йўлдан, биргаллик ишлаб чиқарган маҳсулотимиз билан учинчи мамлакатлар бозорига кириб боришимиз мумкин. Сизларда



транспорт қатнови ҳақида берган саволидан билса бўларди. Президентимиз уларга энг қисқа денгиз ва темирйўллари ҳақида сўзлаб бериш баробарида Тошкент орқали бошқа мамлакатларга ўтиш мумкинлигини ҳам эслашиб ўтди.

Эндан эл ўрганур, дейди дошманилар. Биз уларнинг иқтисоди ва ҳаётига бир кўр назар солар эканмиз, Вьетнамда тadbirkorликка энг йўл очилганини гувоҳлик бўлдик. Тadbirkorлар шундоқ уйлариининг ёнида кичик цехлар очиб, ўз маҳсулотларини сотишади. Улар


қилувчи суратни кўрсатиб. Бугунги кунда Вьетнамга дунёнинг ҳамма кучли мамлакати ўз сармоясини киритган. Турли қўчма корхоналар фаолият курсатмоқда. Мана шу жиҳатдан қараганда ҳам бизнинг бу бозордан мустаҳкам жой олишимиз зарур экани аёнлашади. Бунинг учун бизда имкониятлар етарли. Шунлардан бири илмий-техник ҳамкорликдир. Гарчи Япония бу соҳада Вьетнамга катта ёрдам бераётган бўлса-да, биз ҳам қараб турмаслигимиз керак. Юзлаб вьетнамликлар мамлакатимизнинг турли олий ва мах-



нинг асосий транспорти саналган рикша ва велосипедларни кўчаларнинг ўзига сола берадиган кўчма устаконалар мавжуд. Ҳамма тирикчилик тамилда гимнриаб юрибди. Кўчанинг бир четинда ўтган-қайтганга гап ташлаб ўтирадиган, яримтанги ўртага қўйиб, турмуш оғирлашаётганидан ноийдиғанлар учрамайди. Вьетнам халқи кўп йиллар ташқи агрессорларга қарши курашиб, мамлакат янгилиги ва мустақиллигига эришган халқ. Қўйинчиликларга бардош бериб, юртини гуллаб-янатини йўлга қўйиб, турмуш оғирлашаётганидан ноийдиғанлар учрамайди.

Вьетнамлик тadbirkorлар мамлакатимиз раҳбари билан учрашган чоғи ўзларини қизиқтирган саволларга тулик жавоб олдлар. Чўнончи, улардан бири ҳар икки мамлакат иқтисодиётида қишлоқ ҳўжалиги етакчилик қилишини назарда тутиб, бу соҳада қандай ҳамкорлик қилишимиз мумкин, деб сўради.

Мамлакатимиз раҳбари савол дивониди кинескоплар ишлаб чиқарадиган «Орион-Ханель» Вьетнам-Жанубий Корея қўчма корхонаси фаолияти билан танишди. Корхонада иш қандай ташкил этилгани ҳуёнида сўзлаб беришимизнинг маврибди келар. Мақаланимиз орғобошимизнинг нега айбан шу корхонада бўлганини аниқлатиш. Агар ватандошларимиз эсида бўлса, Президентимиз Хитойга қўлган иккичи расмий сафари чоғида ҳам ана шундай корхонада бўлган эди. Сабоби — ана шундай корхона Узинида ҳам қўриш.



Президент Ислам Каримов мулоқот давомида корхона раҳбари Жу Синг Кимга бизда «ДЭУ» корпорацияси билан ҳамкорликда машиналар

ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани, корпорациянинг махсус банки борлигини айтиб, телекинескоп ишлаб чиқарадиган мана шундай корхонани Ўзбекистондаги электрон заводлари негизини ҳам қўриш имкониятлари ҳақида сўради. Корпорациянинг Ҳиндихитой минтақавий ваколатхонаси раҳбари бўлиш бу жанобнинг айтишига қараганда, уларга Вьетнамда қўлай имтиёзлар яратилган экан. Уша имтиёзлар суриштирилганда бизларникидан ҳеч қандай фарқ қилмаслиги аён бўлди. «Хўш, сизларга яна қандай енгиллик керак», деб сўради Президентимиз жаноб Жу Синг Кимдан. Бундай дингал саволларни кутмаган жаноб Жу Синг Ким Тошкентга ушбу заводга тегишли лойиҳа ва бошқа режалар билан албатта келишга ваъда берди. Насиб этиб, мана шундай корхона вужудга келса, Ўзбекистонда нафақат телевизорлар, балки компьютерлар (бу тилеиз жониворнинг мўъжиза, нархи ҳам ана шу мўъжизага яраша эканини унда ишлаб қўрганлар билди) ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши, электроника соҳасида катта силжиш рўй бериши турган гап.

Бизнинг Вьетнам билан ҳамкорлигимиз биргина савдо-иқтисодий алоқалар билан чегараланиб қолмаслиги тайин. Ўзбекистон халқаро ҳаётининг ажралмас субъекти экан, бу жиҳатдан ҳам бир талай манфаатлар умумийлиги бор. Масалан, биз Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни сақлаш учун Афристонга (бу ердаги можаро бир Ўзбекистон эса, балки бутун минтақа иқтисодиётига қанчалар зарар келтирмоқда) кўрол-яроқ сотилиши бўйича БМТ томонидан эмбарго жорий этилиши тақлифи билан чиқялмиш. Бу тақлифимиз Вьетнам томонидан ҳам иуфузи халқаро ташкилотларда қўллаб-қувватланса, нур устига ало нур бўлур эди. Террорчилик, наркотикинез, уюшган жиноятчиликка қарши кураш ҳар икки давлат манфаатларига жуда-жуда мос тўшади. Боз устига, тең ҳуқуқди ҳамкорлик Вьетнамнинг бизнинг манфаатларимизни Осиё-Тинч океани ҳавасида қимоя қилишга, уларнинг манфаатини эса биз Марказий Осиёда ҳимоя қилишимизга асос яратди.



Уйланимизки, бу ҳамкорлигимиз самаралари тезда буй кўрсатяй.

Аскар ХАЙДАР. СУРАТЛАРДА: кўтўб олиш пайти; икки томонлама шартномалар имзоланган; Ўзбекистон Президенти кинескоплар ишлаб чиқарадиган корхонада. Р. Шаған олин суратлар.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОЙИШИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТ СУДИ ФАОЛИЯТИДАГИ ҚОНУНБУЗАРЛИКЛАР ВА ЖИДДИЙ КАМЧИЛИКЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда ҳуқуқий давлат барпо этишга йўналтирилган тadbirkor амалга оширилаётган бир вақтда, Хоразм вилоят суди фаолиятини қўриқтириш, ашаддий жиноятчиларни хас-пўшлаш, фуқароларнинг ҳуқуқларини қамситиш каби жиддий камчиликлар ўрин олмоқда.

Вилоят суди айрим тоифадаги оғир, жамият учун хавфли жиноятларни содир этган шахсларга ўринсиз қўнғилчанлик қўриқтириб, одил судлов номига доғ туширмоқда. Суд раҳбарияти жойлардаги судьялар устидан назоратни сусайтирган, айрим ҳолларда эса бевосита қўпол тарзда қонунбузарликка йўл қўймоқда.

Жаҳон ҳамжамияти гиёҳвандликка қарши курашни тобора кучайтираётган бўлса-да, оғуфурчиликни қасб қилиб олган айрим қимсалар қилмишга мувофиқ жазага тортилмаган. Хуёсан, 30 килограмм гиёҳвандлик молдасини сотиш мақсадида сақланганликда айбонланган Е.Маламинов Урганч шаҳар суди томонидан 7 йил муддатта озодликдан маҳрум этилган, ваҳоланки, бу жаза шундай жиноят учун қонунда қўриқтирилган жаза муддатининг ярмини ҳам ташкил қилмайди.

Вилоят суди жиноятчининг айбони яраша жазада тавмилламаган. Аксинча, жиноят иши раис ўринбосари Я.Алламов раислигидаги судлов ҳайъатида қўриқтириб, қўйи суднинг ҳўким ўзгартирилган ва Е.Маламиновга тайинланган жаза муддати 5 йилга камайитрилиб, 2 йил муддатта озодликдан маҳрум этиш қўриқтирилган.

Суд раиси Ҳ.Жуманиев ўз ваколати доирасида судлов ҳайъатининг қонунга зид чиқарилган суд қарорини бекор қилиш чорасини қўрмаган.

Юқориди қўриқтирилган қонунбузарликларни бартараф этиш, келгусида бундай ҳолларга йўл қўймаслик мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси, 114-бандига мувофиқ:

1. Ҳайъатбўй Жуманиев Хоразм вилоят суди раиси лавозимидан,
2. Яраш Юлдошев Алламов Хоразм вилоят суди раиси лавозимидан,
3. Жуманазар Ортиқов, Розияжон Полвоновалар вилоят суди судьялари лавозимларидан одил судловни амалга оширишда йўл қўйган жиддий камчиликлари учун озод этилсинлар.
4. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура мазкур ҳолат юзасидан қонун доирасида жиноят иши қўриқтириш масаласини қўриб чиқиш тавсия қилинсин.
5. Ўзбекистон Республикаси Аллия вазирлиги ва Олий суди зиммасига Хоразм вилоят суди таркибининг юқори малакали, ҳалот ва виждонли кадрлар билан мустаҳкамлаш юқлатилсин.
6. Мазкур Фармойиш республиканинг барча судьялари эътиборига етказилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,  
1996 йил 1 апрель.

### Ислохот қирралари БИРЖА МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ

Тошкентда республика Биржа марказининг тантанали очилиш маросими бўлди. Унга мамлакатимизнинг ишбилармон доиралари вакиллари, хоржий фирмалар, Ўзбекистондаги чет эл дипломатия корпуси ходимлари тақлиф этилди.

Йилгиландар ҳузурида республика Бош вазирини ўринбосари, Давлат мулкнинг бошқарини ва тadbirkorликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси В. Чжен нуртқ сўзлади. У биржа маркази очилишининг мамлакатимиз иқтисодиётидаги аҳамиятини таъкидлаб, марказнинг бозор ислохотларини янада қўриқтириш, Ўзбекистон ҳамда хоржий давлатлар ўртасидаги ўзаро манфаатдорлик асосидаги ҳамкорликнинг янада ривожланиши, ички бозорнинг тараққий этиши ва уни маҳсулотларга тўлиқ борадида самарали хизмат қилишига ишонч билдирди. Бунинг учун республика Биржа маркази биносида барча қўлай шарт-шароитлар яратилган.

Биржа марказининг тантанали очилиш маросимида БМТнинг Тошкентдаги доимий вакили Халид Малик сўзга чиқди.

Шу кунги Биржа марказида Ўзбекистон санъаткорлари ижоди намуналари кўргазмаси уюштирилди. Янги бинода тасвирий санъат асарлари, қадимий ва заргарлик буюмлари бўйича дастлабки ким ошди савдоси, лотерея ўйини ўтказилди ҳамда Тошкентнинг чевар битчиликларни таъбирлаган янги бичимдаги кўйимкечаклар намоиш этилди.

Акс-садо

ВАТАНИМИЗ ХАЛҚЛАРИ ЯҚДИЛ

Ўзбекистон корейс маданий марказлари Ассоциацияси раиси, тарих фанлари доктори, профессор П.Кимнинг кунги кеча «Халқ сўзи» газетасида чоп этилган «Халқ чин озодлиқни англаганда...» номли мақоласини алоҳида диққат билан ўқиб чиқдим.

Энг аввало мени қувонтиргани шу бўлди, мамлакатимиз истиқболини мустақамлаш ва порлоқ келажакимиз нафақат ўзбеклар балки ватанимизда истиқомат қилаётган барча миллат вакил-

ларини бефарқ қолдирмаётган экан. Ҳа Ўзбекистон фуқаролари-рус ҳам, украин ҳам, тожик ҳам, туркман ҳам, корейс ҳам — барча-барча юрт истиқдололи ва истиқбол учун ўзларини масъул деб билишяпти.

Дарҳақиқат, П.Ким ўз мақоласида таъкидлаганидек, мамлакатимизда «Давлат мустақиллигининг эълон қилиниши нафақат ўзбек халқининг, балки ушбу саховатли ва меҳмондўст заминда истиқомат қилувчи бошқа халқларнинг ҳам орзу умидларини рўёбга чиқарди».

Носир МАҲМУДЖОНОВ, Тошкент шаҳри, Миробод тумани.

ДУМАДАГИ ДУМБУЛЛАР

Россия давлат Думасининг шу йил 15 март кунги қабул қилган, мазмун-моҳияти суверен давлатимиз мустақиллигига даҳл қилишга қаратилган ноқонуний қарори Сирдарё вилоят босмахонаси ишчи-хизматчилари орасида ҳам муҳокама этилиб, қаттиқ қораланди.

Биз буни думбул сийсат меваси, деб биламиз. Россия парламентидаги коммунистлар фракцияси собиқ Иттифоқ давридаги ҳаётни кўмсаб, хаёлларига келган телба-тескари гаплар ва гоёларни олға сураётганлиги бизни бениҳоя ҳаяжонлантиради. Биз улар қабул қилган бу қарорни Россиядаги Президент сайлови арафасидаги ўйинлардан бири сифатида тушунаемиз. Коммунистларнинг ўзга халқлар ҳаёти, келажакига, бошқа мамлакатлар суверенитетига бу қадар нописанд муносабатда бўлиши, гапнинг очиги, дилимизда уларга нисбатан нафрат уйғотди. Наҳотки, қудратли бир давлатнинг олий қонунчилик идорасида ўтирган бундай кимсалар шу қадар

калтабин бўлсалар?

«Халқ сўзи» газетасида чоп этилган (30 март) тарих фанлари доктори, профессор П. Кимнинг «Халқ чин озодлиқни англаганда...» номли мақоласида қайд қилинганидек, коммунистлар халқимиз бошига қандай кулфатлар келтирганини яхши биламиз.

Россиялик коммунистлар чучварани хом санайдилар. Ўзбекистонимизнинг ўз йули, ўз овози ва дунё ҳамжамиятида орттирган салмоқли нуфузи бор. Бизларни айрим сийсий гуруҳларнинг от минни, оёқнинг остини кўзлаган сийсатлари қизиқтирмайди. Аммо Россиядаги бундай воқеаларга бепарво қараш ҳам ўринли эмас. Биз ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги дастлабки қадамларни қўймоқдамиз. Ўзбекистон бирон-бир мамлакатнинг ички ишларига аралашган эмас ва аралашмайди ҳам. Бироқ биз ўзгаларнинг мамлакатимиз бугун ва эртасига алоқдор масалаларга бу қадар енгилтаклик билан муносабатда бўлишини кескин қоралаймиз.

Қ. САРИБОВЕВ, Гулистон шаҳар ижаралари матбаа ишлаб чиқариш бirlанмаси бош директори.

ОЗОДЛИКДАН ҲЕЧ ҚАЧОН ВОЗ КЕЧМАЙМИЗ

Ўзбекистон Республикаси собиқ СССР «занжир»дан ҳалос бўлиб, мустақиллик йўлидан оғшмай, ривожланиш сари шахдам қадам ташламоқда. Утган йиллар, айниқса, 1995 йил, Президентимиз таъкидлаганларидек, ислохотлар йўлидан дадил бораётган мамлакатимиз ҳаётида алоҳида ўрин тутади.

тараққийнинг муҳим омили ҳисобланади. Илгор мамлакатларнинг ижобий тажрибасини ўрганиш, таҳлил этиш ва ишлаб чиқаришга қўллаш ниҳоятда муҳимдир. Шунини ҳисобга олиб, ҳозирги кунда ҳуқуқимизни ўнлаб хорижий мамлакатлар билан мустақам иқтисодий ҳамкорлик ўрнатишга ҳаракат қилмоқда. Бу ҳол яхши самара бераётир. Хусусан, Корея Республикасининг етакчи фирмаси «ДЭУ» билан ҳамкорликда автомобилсозлик вужудга келтирилдики, у эндиликда мамлакатимиз тараққийнинг муҳим рамзига айланди.

Ўзбекистон, шунингдек, ниҳоятда катта табиий бойликларга, юқори малакали меҳнаткаш халқга эга. Бу бойлик ва кучга суяниб, ҳали қўллаб улкан ишларни амалга ошираемиз.

Бироқ Россия Федерацияси давлат Думасининг 1996 йил 15 мартдаги собиқ Совет Иттифоқини тиклашга қаратилган қарори, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) борлигига қарамасдан, бошқа янги сийсий ва иқтисодий тузилмаларнинг вужудга келаётганлиги кўпчиликни ташвишга солмоқда. Чунки етмиш йилдан ортқ собиқ Иттифоқ таркибида бўлган, унинг аъчиқ сабоқларини ўз бошидан кечирган халқимиз давлатлардан, мамлакатлардан юқори турадиган тузилмаларнинг — у Европосиё бўладими, Федерация, Конфедерация ёки бошқа бир иттифоқ бўладими — барпо этишни кўзда тутувчи интеграция жараёнида иштирок этишни ҳеч қачон истамайди.

Негаки, биз тенгсизликка асосланган бундай «интеграция» оқибатларини яхши билаемиз. Республикамиз иқтисодий салҳоти бўйича собиқ СССРда учинчи ўринда бўлганда, аҳолисининг моддий турмуш даражаси 15-ўринда турарди. Масалан, ўшанда халқимиз Иттифоқ кўрсаткичларининг учдан бири қисми миқдорда гўшт истеъмол қилган, унинг уй-жой билан таъминлангани ўртача миқдордан 2 марта кам эди. Узиниқ газ етказиб берувчи давлат бўла туриб, гўзапоё ёққанмиш, жаҳондаги етакчи пахта етиштирувчи давлат бўлсак-да, чирта зор бўлганимиз ҳали эсимиздан чиққанча йўқ. Пахта мустақиллигини таъминлашимиз деб, Оролни қуритдик, аҳолимиз эса турли касалликка маҳкум этилди.

Буниси ҳам майли, «Қоринга эмас, қадримга йнглайман» деганларидек, «Пахта иши» «Ўзбеклар иши» туфайли ҳалол, меҳнаткаш халқимизга оммавий тўхмат тоши ёдирилди. Ҳа, эндигина эркин нафас олиб, мустақиллик ва ҳуррият асосида ўз ҳаётини қайта қура бошлаган халқимиз эркинликдан ҳеч қачон воз кечмайди. Сийсий, иқтисодий ва бошқа соҳалардаги интеграция жараёни ўзаро тенглик, фойдалилик ва тенг ҳуқуқлилик асосида қурилушига самара бериши мумкин.

Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси тўла мустақиллик йўлидан ривожланиш сари гоёсини илтари суриб, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролар жамиятини барпо этиш мақсадида оғишмай ҳаракат қилаверайди.

А. РАЗЗОҚОВ, Э. МАҲМУДОВ, Тошкент давлат иқтисодий университети профессорлари.

Кўшма рейд

Наманган шаҳрида олтига катта деҳқон бозори бор. Шулардан — «Чорсу» ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Сирдан қараганда, одам тўла бозор сокин дарёни эслатади. Лекин одамлар оқимига кириб борсангиз, бу «дарё»нинг ўзига хос сир-синоати, ўзгалар меҳнати эвазига тирикчилик қилувчи текинхўрлар борлигини сезасиз. Уларнинг дамига асосан теварак-атрофдан, айниқса, қишлоқлардан келган содда деҳқонлар тушади.

Янгикўрган туман Бирлашган қишлоқда яшовчи Раҳматулло Мамадиев колхоз бозорига кириши билан уч-тўрт «харидор» ўртага олди. Олиб келган маҳсулотини-растага қўйишга ҳам улгурмай атрофидаги учрашув уни улгуржисига баҳолай бошлади.

— Хой бироларлар, аввал бозордаги нарх-навони билай, мен ундан ошириб юбормайман,— деди Раҳматулло бироз эсанқираб. — Қолаверса, рўзгорнинг кам-қўстига ва болаларга ўст-бош қилишга яраб қолар деган умидда бу нокнинг ҳар бирини биттадан териб қиш бўйи авайлаб сақладим. Сизлар айтгандай улгуржисига бериб юборсам қандоқ бўларкан...

Шундан кейин ҳам харидорлардан бири уни қўйиб юбормади. Богбонни кўкларга қўтариб мақталади. Қўйинини пуч ёнгоққа тўлдириб, минг турда товланди. Охири 59 килограмм нокнинг ҳар килосини 22 сўмдан улгуржи сотиб олишга эришди. Ҳамма иш хамирдан қил сургундай биттанидан хурсанд бўлган бу шаввоз мевани бозордан олиб чиқиб кетаётганда қўлга тушди. Маълум бўлишича, Андижон вилоятининг Избоскан туманида 1959 йилда туғилган Ориф Имомқўлов ҳеч қандай ишлари олиббатарлики ўзига касб қилиб олган. Ҳолбуки бунинг учун унда на русхатнома, на бирор ҳужжат бор. Биз билан суҳбатда ҳам ҳозиргина харид қилиб олган нокни бошқа бировга олиб бориб

қиммат нархда сотиш ниятида эканлигини яширмади.

Наманган туман Улғубек номли кўча, 57-уйда яшовчи Олимжон Мирмусаев ҳам шу пайтга қадар ўзини юлдузи бенарвон урадиган учарлардан ҳисоблаб юрарди. Кейинги пайтларда у ҳеч қандай ишларга олиббатарлик қилиш ва ўзгалар ҳисобига мўмай пул топишга одатланган. Ана

баров 120 килограмм гуручнинг арзон нархда олиб, килограммини 50 сўмдан, Наманган шаҳар 1-кичиқ туман 58-уй, 15-хонадонда яшовчи Улғубек Комилов 46 килограмм гуручни 52 сўмдан пуллаётганда, Наманган шаҳар Қизил раво кўча 19-уйда яшовчи Боқижон Тожибоев 180 килограмм пиёзни арзон нархда олиб, қимматга қайта сотаётган пайтда тумшугидан илинди.

Юқоридаги факт ва мисоллардан кўриниб турибдики, бозорларда олиббатарлар, таъмагирлар кў-

Улар бозорда гўё хону кўланкалари майдон. Юртбошимиз Вазирилар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда таъкидлаганидек, бундай кимсалар давлат томонидан яратиб берилган имкониятлардан фақат ўз манфаатлари йўлида фойдаланадилар.

Давлатобод туман марказидаги «Яшил» деҳқон бозори паттачиси Тошўлат Шоматов ана шундайлардан бири. У бозорнинг мутасалди этиб бикритилган ҳўл мевалар билан савдо қилувчи бўлимини гўё ўзининг мулки деб тасаввур

Иминов тиббий кўриқдан ўтмаган. Бунинг устига аксарият гўшт дўконларида янги сўйилган маҳсулотлар бундан 8-10 кун муқаддам расмийлаштирилган ҳужжатлар билан сотилмоқда.

Чортоқ тумани марказидаги деҳқон бозорида ҳам чайқовчилик ва турли тартибсизликлар авж олмоқда. Бу ерда вояга етмаган ёш болаларнинг олиббатарлик билан шугулланаётгани, айниқса, ачинарли.

Чортоқ туман фуқароси, 1959 йилда туғилган Комил Акбаров ҳеч қандай ишларга олиббатарлик билан шугулланади. У деҳқон бозорининг одамлар гавжум жойида рухсатномасиз ва тегишли ҳужжатлари бўлмаган ҳолда спиртли ичимликлар билан савдо қилаётганда қўлга тушди.

Пул топишининг бундай осон йўлини танлаган кимсалардан Уйчи туман деҳқон бозорида ҳам учратдик. Бозорда Ҳабибулло Далабоевнинг «сир»и гуруч сотаётган пайтда ошкор қилди. Ачинарлики шуки, бу навқирон йигит ҳам ҳеч қандай ишларга бозорда ўтиришни ҳўш кўради.

Рейд давомида вилоятнинг Косонсой, Учқўрғон, Чўст туманлари марказий деҳқон бозорларида олиббатарлики ўзига касб қилиб олган кишиларни қўллаб учратдик. Улар олдий деҳқоннинг тўғрисўзлиги, самимилигиндан шахсий манфаатлари йўлида фойдаланмоқдалар.

Хулоса қилиб айтганда, бозорларни чинакам деҳқон бозорларига айлантириш, бу ердаги олиббатарлар ва таъмагирларнинг пайини қирқиш пайти келди. Ўйлаймики, вилоятдаги мутасалди раҳбарлар деҳқон бозорлари билан жиждий шугулланиб, бу борада тартиб-интизом ўрнатадилар.

Ж. МУНАВАРОВ, Наманган вилояти ички ишлар бошқармаси қорунтиси, рокет ва терроризмга қарши кураш бошқармасининг бўлим бошлиғи, милиция майори. А. МАДАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ТАЪМАГИРЛАР

ёки деҳқон бозорларидаги айрим нухсалар ҳақида

- Ўзгалар меҳнати эвазига тирикчилик қилувчи текинхўрлар
• Деҳқонга осмондан туриб муомала қиладиган тарозибону паттачилар
• Харидорнинг ранги рўйига қараб гўшт нархини ўзгартирувчи қассоблар

шу мақсадда бундан икки-уч ой муқаддам Юсуфжон исмли кишидан 400 килограмм олманнинг ҳар килограммини 10 сўмдан сотиб олди. У улгуржи сотиб олган олмани бозорга олиб чиқиб майдалаб сота бошлади. Экмай-тикмай, меҳнат қилмай бир килограмм олмандан 20-25 сўмдан фойда кўргач, у талтаймай ким талтайсин. Бироқ унинг хурсандчилиги узоққа бормасди. У дўппи билан уриб олган маҳсулотини бир неча борабар қимматга сотаётган пайтда қўлга тушди. О. Мирмусаев бу гал хурсанд бўлиб уйига эмас, балки боши эгилган ҳолда бозор қошидаги милиция участкасига кириб боришга мажбур бўлди.

Марказий деҳқон бозорининг мева растасидан ўтиб гуруч, сабзавот ва қуриқ мевалар савдо қилувчи бўлимларида ҳам худди шунга ўхшаш нухсаларга дуч келдик. Масалан, Наманган шаҳар Эгамбердиев номли кўча 51-уйда истиқомат қилувчи Воҳид Ак-

қилади. Шу боис ҳам у бозорга кирган деҳқон бобгонлардан пул олиб, хоҳласа патта беради, хоҳламаса йўқ. Жумладан, рейд давомида Наманган туман, Раустон қишлоқидан

олма сотгани келган Эркин Зисдовдан таг жой учун 15 сўм пул олиб патта бермаганлиги аниқланди. Шунингдек, олма, нок, анор сотаётган беш кишининг уч нафарига бозор тугаётганига қарамай, патта сотмаган. Чунки у деҳқонлардан олинган ҳисил етиштирган деҳқон яна чўв тушиб қолмоқда. Бозордаги чайқовчи, олиббатарлар эса бир жойда ўтириб иссиқ ўринни совиқма деҳқонга нисбатан 2-3 ҳисса кўп пул топмоқда.

Энг ачинарлиси, бозорга деҳқон бир амаллаб олиббатардан кутулса, ёмғирдан қочиб, дўлга тутилгандай тарозибону паттачиларга рўбарў келади. Улар деҳқонга хизмат қилиш, уларга шароит яратиб бериш ўрнига осмондан туриб муомила қилишади.

Венеция (Италия) нинг энг кўркам майдонларидан бирида жаҳонга машҳур Сан-Марко собори сайёҳларнинг эътиборини тортаяпти.



Венеция (Италия) нинг энг кўркам майдонларидан бирида жаҳонга машҳур Сан-Марко собори сайёҳларнинг эътиборини тортаяпти.

ВАЗИРИНИНГ БАЁНОТИ
«Россия Федерацияси президентида сайлов натижаси Чехиянинг ташқи сийсатини ўзгартирмайди ва ўзга ҳеч қандай таъсир қўрасатмайди», деб байнот берди Чехия ташқи ишлар вазири Йозеф Желенец журналистлар билан учрашувда.

Маълумки, Чехия НАТО ҳарбий блокага аъзо бўлишга интилоқда. Россия эса НАТОнинг Шарқий Европа давлатлари ҳисобига кенгайишидан мутлақо норози.

ҲАМЖАМИЯТИНИ КЕНГАЙТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ МАВЖУД
Германияда чиқадиган «Франкфуртер алгемайне» газетасида Германия ташқи ишлар вазири Клаус Кинкль ҳамда Франция ташқи иш-

лаш битимини имзолаган эди. Шу боис, ушбу икки давлат шу пайтгача расман уруш ҳолатидадилар.

«ЯРАШУВ АҲДИ» ҲАМ КУЧИНИ ЙЎҚОТДИ
Корея Халқ Демократик Республикаси мудофаа вазири Ким Ёан Дин 29 мартдан эътиборан Корея ярим оролида «ярашув аҳди» ўз кучини йўқотганини маълум қилди.

Вазирнинг фикрича, Жанубий Кореянинг қуролланишга ҳалдан ташқари зўр бераётгани сабабли, Шимолий Корея ана шундай йўл туттишга мажбур бўлган. Маълумки, 1953 йил Корея уруши тугатилган кейин ҳам икки қўшни давлат ўртасида тинчлик битими имзоланмай қўлиб кетган эди. Фақатгина, ҳунрезликни тўхтатиш мақсадида, томонлар вақтинчалик

25 йилдан сўнг қўлга тушди
25 йилдан бўён Интерпол халқаро қидирув ташкилати томонидан қидириладиган япончилик террорчи Йосими Танаке ниҳоят Таиланд полицияси томонидан қўлга олинди.

Бу жиноятчи 1970 йилда Япониянинг йўловчи та-

лалар муҳокама қилинади.

АҚШ давлат департаменти котиби Уоррен Кристофер ушбу анжумани Яқин Шарқда тинчлик жараёни ва халқаро қўпорувчиликка қарши кураш босқичидир, дея баҳолайди.

САММИТНИНГ ИККИНЧИ БОСҚИЧИ

Вашингтонда Яқин Шарқдаги тинчлик жараёни ва халқаро қўпорувчиликка қарши кураш муаммоларига бағишланган анжуман очилди.

Унда жаҳоннинг 27 мамлақати, шунингдек, Фаластин миллий ишлар бошқармаси, Европа комиссияси иштирок этмоқда.

Анжуманда, асосан, Араб-Исроил келишмовчилигини бартараф қилиш билан боғлиқ маса-

ҚҲЙ ПАЛАТАГА САЙЛОВЛАР

Ҳиндистонда республика қўйи палатаси парламентига ва мамлакат қонун чиқарувчи кенгашига номзодлар кўрсатиш бошланди.

620 миллион нафар сайловчи парламентнинг бўлажак 543 аъзоси ва қонун чиқарувчи кенгаша сайланадиган 914 депутат учун овоз берадилар.

Мамлакат сайлов комиссиясининг қарорига қўра, сайловлар шу йилнинг 27 апрелидан 30 майга қадар ўтказилди.



СУРАТДА: Вьетнам Социалистик Республикасида шу сингари хушманзара жойлар бисёр.

СЕНАНБА, 2

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 7.30 «Ахборот». 7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

8.30 Республика газеталарининг шарҳи. 8.40 «Наврўз лавалари». Кинодастур. 9.15 Бир-жа ва банк хабарлари. 9.30 «Хорам навалари». Мусликий дастур. 10.00 Янгиликлар. 10.05 «Ишбилармон». Тележурнал.

Уқув машғулотлари: 10.30 Она тили. 11.00 Немис тили. 11.30 Ўзбекистон халқлари тарихи.

12.00 Юсуф Розиков. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 2-серия. 12.30 «Санъат гунаҳлари». Кўрик-танлов голибларининг чиқиши. 13.00 «Хавтнинг ўзи қизиқ». Дам олиш дастури. 14.00 — 14.05 Янгиликлар.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар. 18.10 «НАВРЎЗИ ОЛАМ МУБОРАК!» видео-канал: 1. «Наврўзлар айтили келди», 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «НАВРЎЗИ ОЛАМ МУБОРАК!» видео-канал: 2. «Офтоба тасанно». 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Эълонлар. 21.00 «НАВРЎЗИ ОЛАМ МУБОРАК!» видео-канал: 3. «Наврўз келди — келди янги йил». 23.25 Эълонлар. 23.30 «Ахборот». 23.55 — 01.00 «НАВРЎЗИ ОЛАМ МУБОРАК!» видео-канал: 4. «Хар кунинг ўзин Наврўз».

II

18.00 Янгиликлар. 18.10 Эълонлар. 18.15 «Мультифейверк». 18.25 ТВ II намойиш этакли. 18.35 «Тропиканка». Теле-сериял (Бразилия). 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «Бизнес-уй». 20.10 «АРТ-журнал». 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Эълонлар. 21.00 «Видеоид». 21.20 Оханглар ва Эълонлар. 22.00 «Кинонигоҳ». 23.40 — 00.20 «СПОРТ-КИТЪАСИ».

III

17.55 Янгиликлар. 17.55 Эълонлар. 18.00 «Тошкент», «Тошкент фаворалари». Теле-фильмлар.

Россия жамоат телевидениеси 6.30—8.00 «Телетонг».

18.20 — 20.40 20.40 «Джазда фақат қизлар». Бадий фильм.

Россия давлат телевидениеси 23.00—23.30 «Вести».

23.30 Эълонлар. 23.35 — 23.40 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

18.40 «Мультикарuselь». 18.55 Эълонлар. 19.00 «Бу бўстон аро...» 19.30 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари. 20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм. 20.50 «Сурдинет» телекомпаниясининг янгиликлари. 21.10 «Каталог». 21.20 «Соккер-клуб». Футбол шарҳи. 22.20 «Солиқ хақида сабоқлар». 22.30 Эълонлар. 22.35—24.00 «Кинематограф».

ЧОРШАНБА, 3

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 7.30 «Ахборот». 7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

8.30 «Қизикарли учрашувлар». Республикада хизмат кўрсатган юрист Халима Мухитдинова билан учрашув. 9.10 «Ўзбектелефильм» кўрсатида: «Нодир хазина». Телефильм. 9.20 «Ватанпарвар». Шикотли ишлар. 10.00 Янгиликлар. 10.05 «Ховлимадаги стадион». Спорт кўрсатуви.

Уқув машғулотлари: 10.30 Табиёт. 11.00 Алф-бо сабоқлари. 11.30 Зоология.

12.00 Дугор ва танбур тароналари. 12.35 «Ўхшаш чехралар». Теле-шоу. 14.00 — 14.05 Янгиликлар.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Умид учкунлари». Тележурнал. 18.40 Спорт хабарномаси. 18.55 Ислохот ва масъулият. «Изданишлар канотида». Публицистик кўрсатув. 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 Оқшом эртақлари. 20.10 «Итисодиёт чорраҳаларида». Тележурнал. 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» телевидениесининг вилот студияларининг кўрсатувлари. Эюнда — Наманган вилоти. 21.40 «Меҳринг билан яшайман Ватан». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Муссаев Разаков. 22.10 «Шаҳар бедаровга эмас...» Публицистик кўрсатув. 22.50 Саид Аҳмад. «Раъно». Теленовелла. 23.25 Эълонлар. 23.30 «Ахборот». 23.55 — 00.20 Лирик концерт.

II

18.00 Янгиликлар. 18.10 Эълонлар. 18.15 «Мультифейверк». 18.30 ТВ II намойиш этакли. 18.40 «Кўпгина нима ётсин». 19.05 «Хусусийлаштириш: қадим-бақадим». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «Компьютер-Осиё». 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Эълонлар. 21.00 «Хавтнинг ўзи қизиқ» сирли. 21.50 Оханглар ва Эълонлар. 22.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм. 23.20 — 24.00 «СПОРТ-КИТЪАСИ».

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 7.30 «Ахборот». 7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

8.30 «Саҳна хаёти». Хамаа номидидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг актрисаси Дилбар Икромова. 9.30 «Оналар мактаби». Тележурнал. 10.00 Янгиликлар. 10.05 «Рақолар гудастаси». Тележурнал.

Уқув машғулотлари: 10.30 Физика. 11.00 Немис тили. 11.30 Математика.

ХАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

III 17.50 Янгиликлар. 17.55 Эълонлар. 18.00 «Самарқанд». «Прага билан учрашув». Телефильмлар.

Россия жамоат телевидениеси 6.30—8.00 «Телетонг».

18.20—20.40 20.40 «Мафтунингман». Бадий фильм.

Россия давлат телевидениеси 23.00—23.30 «Вести».

23.30 Эълонлар. 23.35 — 23.40 Янгиликлар.

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

18.40 «Мультикарuselь». 18.55 Эълонлар. 19.00 «Узинг хақида сўзлаб бер». Еш мусаввир Н. Жабборова хақида. 19.30 «Айчирек» (киргиз тилида). 20.10 «Аёллар» (такрор). 20.40 «Рақолар канотида» (такрор). 21.20 «Ўзбекистон: хамкорлик йўлида». 22.00 Эълонлар. 22.05 «Тошкент оқшомида». 23.05 — 23.25 «Мен туғилган тупрок». Телеочерк.

ПАЙШАНБА, 4

I 6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 7.30 «Ахборот». 7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

8.30 Республика газеталарининг шарҳи. 8.40 «Меҳринг билан яшайман Ватан». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Муссаев Разаков. 9.10 «Итисодиёт чорраҳаларида». Тележурнал. 9.25 Саид Аҳмад. «Раъно». Теленовелла. 10.00 Янгиликлар. 10.05 Болалар учун. «Наврўз чечаклари».

Уқув машғулотлари: 10.30 Шифокор экрани. 11.00 Инглиз тили. 11.30 Умумий биология.

12.00 «Бешикчи доvon». Видеоканал. 14.00 — 14.05 Янгиликлар.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Мушора»: Чуст тумани ишлари баҳси». 18.40 «Менда фикр бор». Тадиборкорлар телевизион клуби. 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 Оқшом эртақлари. 20.10 «Ўзбекистон». Тарих саналари номидидаги Амриддин Бедридмуродов билан мулоқот. 20.30 «Ахборот». 20.55 Эълонлар. 21.00 «Анбаллар этакли давом...» Мусликий кўрсатув. 21.55 «Саҳна хаёти». Хамаа номидидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг актрисаси Дилбар Икромова. 22.55 «Зоб». Қизлар тележурнали. 23.25 Эълонлар. 23.30 «Ахборот». 23.55 — 00.20 «Сени излаб». Оқшом Мадалиев кўйлабди.

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Мультифейверк». 18.35 «Тропиканка». Теле-сериял (Бразилия). 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «Автосалон». 20.15 «Кордон блу» («Ёқимли иштаха»). 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Эълонлар. 21.00 «Сизнинг иш улуви». 21.15 Оханглар ва Эълонлар. 21.55 «Кинонигоҳ». 23.35 — 00.10 «СПОРТ-КИТЪАСИ».

17.50 Янгиликлар. 17.55 Эълонлар. 18.00 «Уйил, набира, зваря». «Кўйшли уй». Телефильмлар.

Россия жамоат телевидениеси 6.30—8.00 «Телетонг».

18.20—20.40 20.40 «Фирибгарлар найранги». Бадий фильм. 22.30 «Кабутарлар — муҳаббатим менинг».

Россия давлат телевидениеси 23.00—23.30 «Вести».

23.30 Эълонлар. 23.35 — 23.40 Янгиликлар.

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

18.40 «Мультикарuselь». 18.55 Эълонлар. 19.00 «Уй оstonдан бошланади». 19.40 «Иштирок этувчилари». Кинорежиссёр Э. Давидов билан учрашув. 20.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм. 21.00 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари. 21.30 «Компьютер-Осиё». 21.55 Эълонлар. 22.00 «Этлада». 22.40 — 23.10 «Фармон ва ижро». Мулк давлат хизматиде. Телемулоқот.

Уқув машғулотлари: 10.30 Физика. 11.00 Немис тили. 11.30 Математика.

18.20—20.40 20.40 «Фирибгарлар найранги». Бадий фильм. 22.30 «Кабутарлар — муҳаббатим менинг».

Россия давлат телевидениеси 23.00—23.30 «Вести».

23.30 Эълонлар. 23.35 — 23.40 Янгиликлар.

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

18.40 «Мультикарuselь». 18.55 Эълонлар. 19.00 «Уй оstonдан бошланади». 19.40 «Иштирок этувчилари». Кинорежиссёр Э. Давидов билан учрашув. 20.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм. 21.00 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари. 21.30 «Компьютер-Осиё». 21.55 Эълонлар. 22.00 «Этлада». 22.40 — 23.10 «Фармон ва ижро». Мулк давлат хизматиде. Телемулоқот.

Уқув машғулотлари: 10.30 Физика. 11.00 Немис тили. 11.30 Математика.

18.20—20.40

20.40 «Насриддиннинг саргузаштлари». Бадий фильм.

Россия давлат телевидениеси 23.00—23.20 «Вести».

23.20 Эълонлар. 23.25 — 23.45 «Жонли саёра».

10.00 «Энг чиройли кемачалар». Болалар учун фильм. 2-серия. 11.05 Эълонлар. 11.10 «Безнен мирас» (татар тилида). 11.50 «Дидар» (қозок тилида). 12.30 — 13.10 «Умид» (уйгур тилида).

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

18.40 «Сиеҳдонча». Болалар учун дастур. 19.00 «Мамлакатлар одамлар, воқеалар». 19.20 «Дуня» ва болалар. 19.55 Эълонлар. 20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм. 20.50 «Телташирлар». 21.05 «Бунги Европа». 21.25 «Олам ва одам». 22.00 «Таширлар ва таширлар». 22.30 Эълонлар. 22.35 «Саҳий хондонда». 23.15 — 23.35 «Бу ажиб дуня».

18.00 Янгиликлар. 18.10 Эълонлар. 18.15 «Эртақлар олами саҳаҳат». 18.35 «Муаллиф». 18.45 «Ривоят». 18.55 «Сфарин». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «РАКС» тақдим этакли. 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Эълонлар. 21.00 «Эртага — шанба». 21.15 «Мафтунок чехралар». 21.40 «Таманно». 21.50 Оханглар ва Эълонлар. 22.30 — 23.20 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.

17.50 Янгиликлар. 17.55 Эълонлар. 18.00 «Давон». Телефильм.

Россия жамоат телевидениеси 6.30—8.00 «Телетонг».

18.20—20.40 20.40 «Хақиқат билан тўқнашув». Бадий фильм.

Россия давлат телевидениеси 23.00—23.30 «Вести».

23.30 Эълонлар. 23.35—23.40 Янгиликлар.

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

18.40 «Мультикарuselь». 18.55 Эълонлар. 19.00 «Хотира». Органи Д. Валалатода ижоди хақида. 19.30 «Экология ва хаёт». 20.00 «Билми келди». Янги олам мунаввар. «Публицистик кўрсатув. 11.25 Болалар учун. «LEGO» саёраси. 11.50 «Тупроғи зар Ватаним менинг». Қашқадарё геология-кидров экспедицияси иш фаолиятига бағишланади. 12.25 «Тараним». Мусликий дастур. 12.55 «Саҳаҳатлар эртаги». Бадий фильм. 14.35 — 15.20 Футбол. Ўзбекистон кубоги.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Эртақлар — яшиллик этакли. 18.35 «Сиеҳат-саломатлик». Тележурнал. 19.05 «Ойнаи жаҳонда...» 19.25 Эълонлар. 19.30 «Панорама» (рус тилида). 19.55 Эълонлар. 20.00 «Ўзбек адабиети — жаҳон кўзгусида». 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Ўзбекистон». 21.05 «Диккат». Премьера: Юсуф Розиков. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 4-серия. 21.35 «Барҳат навалар». Хожикон Болтаев. 22.35 Футбол. Ўзбекистон кубоги. 23.25 Эълонлар. 23.30 «Ахборот». 23.40 «Гойиб курси». Телевизион уйин.

9.00 «Эртақ». 9.20 «Муаллиф». 9.30 «Ривоят». 9.40 «Офарин». 10.10 «РАКС» тақдим этакли. 10.40 «Мафтунок чехралар». 11.05 «Таманно». 11.15 «Ўханглар оғушида». 12.05 «Виджон». Теле-сериял (Миср Араб Республикаси). 12.50 «Кўнгли». Дилшод Шамнинг муаллифлик кўрсатуви. 13.20 «Муслиқ салтанати». 13.40 Видеода янгиликлар. 14.00 Оханглар ва Эълонлар. 14.40 — 16.20 Видео — «О».

17.30 «Келгуси хафтада». 17.40 Эълонлар. 17.45 Болалар учун. «LEGO» саёраси. 18.10 «Виджон». Теле-сериял (Миср Араб Республикаси). 18.55 «Кўнгли». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Панорама» (рус тилида). 19.55 Эълонлар. 20.00 «Шаҳ ва баҳс». 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот». 21.00 Эълонлар. 21.05 «Фармед». 21.15 «Илхом сатрлари». 21.20 «Даракчи». 21.30 Футбол олами. 22.00 «Келгуси хафтада». 22.10 Оханглар ва Эълонлар. 22.50 — 00.30 Видео — «О».

17.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар. 17.55 Эълонлар. 18.00 «Ўзбектелефильм» таништиради: «Музей». Премьера.

Россия жамоат телевидениеси 18.20—21.50 21.50 «Олимп сари йўл». 22.10 «Баҳорнинг узун кўни». Телефильм.

Россия давлат телевидениеси 23.00—23.20 «Вести».

23.20 Эълонлар. 23.25 — 23.50 «Панорама» (такрор).

10.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!». 10.30 «Эртақларнинг сехри олами». 12.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида). 12.10 «Парле ва франс». Француз тили хамаа учун. 12.30 Эълонлар. 12.35 «Этдалик учун дастур». 13.00 «Манинг кўнам...» 13.15 «Сирдошим». Фармацевт Тошмухамедовлар сулоласи хақида (такрор). 13.50 — 14.10 «Жонли саёра».

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

18.40 «Сиеҳдонча». Болалар учун дастур. 19.00 «Мамлакатлар одамлар, воқеалар». 19.20 «Сенинг ватанинг». Болалар дастури. 19.50 Эълонлар. 19.55 «Бу ажиб дуня». 20.15 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатуви. 20.45 «Миср буюкдари». 4-курсатув. 21.30 «Ойкул йўли». Лотерея уйини. 22.00 Эълонлар. 22.05 «Хондонингизда осойишталик бўлсин». 23.05 — 00.05 «Сиз учун учрашув». Владимир Михайлов.

10.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!». 10.30 «Эртақларнинг сехри олами». 12.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида). 12.10 «Парле ва франс». Француз тили хамаа учун. 12.30 Эълонлар. 12.35 «Этдалик учун дастур». 13.00 «Манинг кўнам...» 13.15 «Сирдошим». Фармацевт Тошмухамедовлар сулоласи хақида (такрор). 13.50 — 14.10 «Жонли саёра».

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

18.40 «Сиеҳдонча». Болалар учун дастур. 19.00 «Мамлакатлар одамлар, воқеалар». 19.20 «Сенинг ватанинг». Болалар дастури. 19.50 Эълонлар. 19.55 «Бу ажиб дуня». 20.15 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатуви. 20.45 «Миср буюкдари». 4-курсатув. 21.30 «Ойкул йўли». Лотерея уйини. 22.00 Эълонлар. 22.05 «Хондонингизда осойишталик бўлсин». 23.05 — 00.05 «Сиз учун учрашув». Владимир Михайлов.

17.50 Дастурнинг очилиши. 17.55 Эълонлар. 18.00 «Туркман тупроқлари». Телефильм.

Россия жамоат телевидениеси 6.30—8.00 «Телетонг».

18.20—20.40 20.40 «Хақиқат билан тўқнашув». Бадий фильм.

Ташкилот Тошкентдаги омборхонадан хлорли оҳақ, гипохлорид кальцийни СОТАДИ. Энг оз микдор - 5 тонна. Тўлов усули - турлича. Манзилимиз: Тошкент шаҳри, 1-Нукус тор кўчаси, 5-уй. Телефонлар: 59-55-00, 99-72-72.

ЭЪЛОН: ЮКСАК МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАРДАН ДУРАДГОР, ГАЗЭЛЕКТРПАЙВАНДЧИ КЕРАК. ОЙЛИК МАОШИ 3000 СЎМДАН КАМ ЭМАС. МАНЗИЛ: Х. УМАРОВ КЎЧАСИ, 8. ТЕЛ.: 59-43-25, 59-43-16.

Ўзбекистон халқ Академияси КОНЧИЛАР КУНИ ХАЛҚАРО САЛОМАТЛИК КУНИ 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 7.30 «Ахборот». 7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми). 8.30 «Камал». Болалар учун кинодастур. 10.00 «Ватанимга хизмат қилди». 11.00 «Дирк Цирк Цирк!» 11.45 Юсуф Розиков. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 3-серия. 12.15 «Ташир». Дам олиш дастури. 13.05 «Тараққийтимиз таянчлари». Кончилар кўнига бағишланган кўрсатув ва концерт. 13.45 — 14.20 «Гойиб курси». Телевизион уйин.

ТИНЕ'96 1996 йил 1-4 апрель кунлари СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ - 96 Иккинчи халқаро тиббиёт кўргазмасига Сизларни лутфан таклиф этамиз. Кўргазмага жаҳондаги 150 дан зиёд етакчи фирмаларнинг тиббий ускуналари ҳамда фармацевтика маҳсулотлари кўйилади.

Кўргазманинг тантанали очилиш маросими 1 апрель кuni соат 12 да бўлади. Кўргазманинг иш соатлари: 1 апрель - 14.00-18.00 3 апрель - 10.00-18.00 2 апрель - 10.00-18.00 4 апрель - 10.00-18.00 Бизнинг манзил: Тошкент ш., Амир Темур кўчаси, 107, "Ўзэкспомарказ" (собик ХХЮК). Сизни кўргазмаимизда қўришдан гоят мамнун бўламиз!

АЗИЗ КОРТДОШЛАР! Бугун минерал ўғит заҳардан ҳам қиммат. Ўзи эса заҳардан баттар. Буни биламиз, аммо ноилолжиз, ишлатишга мажбурмиз! Наҳотки, минерал ўғит ўрнини босувчи нарса бўлмаса, деб савол бермаймиз. Агар шундай савол қўйилганда, албатта жавоб топар эдик. Минерал ўғит ўрнини босувчи бу БИОГУМУС. БИОГУМУС экологик соф маҳсулот манбаи, ҳосилдорликни бир ярим баравар ошириш манбаи, ерни ер қилиш манбаидир. Биогумус етиштириш эса шафтоли ейишдан ҳам осондир. Саноат ва қишлоқ хўжалигидаги барча органик чиқиндилар биогумус олиш учун ишлатиладиган хом ашёдир. Бунинг учун КИЗИЛ КАЛИФОРНИЯ ЧУВАЛЧАНГИ БОКИНГ! Шунда ютуеингиз беқиёс бўлади. Ишонмайсизми?! Нишонмасангиз келинг, кўриб ишонч ҳосил қиласиз. Биз сизнинг хизматингизда. Манзил: Андижон вилояти, Ховобод шаҳри, "Дустлик" жамоа хўжалиги, тел.: (8-37437) 41-682, 42-230, 42-989; (8-37422) 54-377, 42-365. Тошкент, Ўрқазор даҳаси, "Дустлик-Фирдавс" фирмаси (Айланма йўл чеккасидаги блок гишт чиқарадиган корхона ёнида).

"KELAR" ФИРМАСИ Тошкентдаги омбордан қўйидаги маҳсулотларни сотади ва таклиф қилади: 1. УАЗ Я-245-1, 215/90-1 учун автошиналар. 2. Шахсий компьютерлар. 3. Принтерлар "EPSON". 4. Телефон аппаратлари. 5. Автоматик кофеқайнатгичлар. 6. Аккумуляторлар (СТ 60) ва бундан ташқари безоборантлар, кир ювиш порошоқлари, ҳавони ямғирлатгич ва озиқ-овқатлар. Тел.: 62-74-86, 62-90-30, 62-90-67.

X-ray RETINA "АРТ КАФ" фирмаси Тошкентдаги омбордан хар хил ўлчамдаги "KODAK-RETINA" Германия (Х

